

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№ 146 (6.983). Sotuvda erkin narxda

Куннинг муҳими боқеалари

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.**
- **Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал йигини Федерация кенгашининг МДХ масалалари бўйича қўмитаси раиси В.Густов раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида бўлди.**
- **Ўзбекистон Бадий академиясининг Замоновий санъат марказида Учинчи халқаро Тошкент фото биенналеи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.** Тошкент Фото уйи ташаббуси билан ташкил этилган мазкур кўрик-танлов Сихат-саломалик йилга бағишланди.
- **Тошкентдаги халқаро ҳамкорлик марказида болаларда учрайдиган нафас олиш аъзолари касалликларининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**
- **Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсуус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш, Иқтисодий, Молия, Ички ишлар вазирликлари, Ўрта махсуус касб-хунар таълим маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, Республика «Маҳалла» жағмармаси, Республика «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маркази кенгаши билан биргаликда кўшма хайбат йиғилишини ўтказди.**
- **«Экосан» халқаро хайрия жағмармаси Тошкент энгил сановат ва тўқимачилик институти билан ҳамкорликда «Тоза сув - ҳаёт манбаи» мавзусидаги иншоолар танловини уюштирди.**
- **Халқ таълими вазирлигида ўтказилган йиғилишда Янги йил байрами тантанасини кўнгилдагидек ўтказиш билан боғлиқ барча масалалар атрофида муҳокама қилиниб, жойларда жамоат тартибини сақлаш, йўл-транспорт ва ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, «Президент арчаси», Янги йил байрами дастурларининг сценарийлари бадий қисминини тайёрлаш, тиббий навабчилик ташкил этиш каби вазифалардан иборат тадбирлар режаси тузилди.**

Беш қитъа полвонлари беллашди



26-27 ноябр кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида уюштирилган аjoyиб спорт байрами — кураш бўйича V жаҳон чемпионатида турли мамлакатлардан келган полвонлар ғолиблик учун гиламга чиққилар.

Унда Венгрия, Замбия, Кипр, Россия, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея, Бразилия, Эрон, Украина, Янги Зеландия, АҚШ, Мўғулистон сингари дунёнинг эллика яқин давлатидан энг кучли спортчилар ўзаро баҳс юритдилар. Мусобақанинг дастлабки кунда эркеклар турт (81 кг., 90 кг., 100 кг., +100 кг.) ва аёллар ўртасида беш (63 кг., 70 кг., 78 кг., 87 кг., +87 кг.) вазн тоифаларида беллашувлар ўтказилди.

Икки кун мобайнида ушбу спорт саройи нафақат мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган, балки қўшни республикалардан ташриф буюрган минглаб курашсеварлар билан тўлиб-тошди. Жаҳон чемпионати

— Мустақиллик туфайли курашимиз дунёга чиқди, — дейди мухлислардан бири Бахром Эрматов. — Кураш ўзбекини жаҳонга танитмоқда. Бугун ғолиблик учун гиламга чиқётган Буюк Британия, Замбия, Бразилия, Туркия, Эрон полвонлари бизнинг кураш билан шуғулланишини ким ўйлабди? Илоҳ, курашимизга, полвонларга кўз тегмасин. Абдулладек зўрлар кўпаяверсин.

Мусобақанинг дастлабки кунинида ўз вазн тоифасида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олган Рамзиддин Саидов (81 кг.), Давлат Чориев (90 кг.), Абдулла Тангриев (+100 кг.), Гулмира Исма-

ҳамда Абдулла Тангриев (мутлак)лардан ташқари барча полвонларимиз ўз вазн тоифаларида олтин медаллардан қуруқ қолишди. Тошкент гиламларида барча рақибларига сабоқ берган Рустам Боқиев (66 кг.), Расул Боқиев (73 кг. иккаласи ҳам Тожикистондан), Нисо Сенсой Йилдиз (48 кг. Туркия), Пержи Илона (52 кг. Венгрия), Пинилопи Ставрио (57 кг. Кипр), Зехра Қоя Белкис (мутлак, Туркия)лар жаҳон чемпиони, деган шарафни номга сазовор бўдилар.

Курашимизнинг китъалар оша ривожланиб кетгани, турли давлатлар вакиллари томонидан тан олинаётганлигидан бениҳоя мамнунман, — дейди самбо ва дзюдо бўйича спорт устаси, кашқадарёлик Исломо Арслонов. — Кипрликлар ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионлиги учун гиламга чиққисоқда. Масалан, аёллар ўртасидаги беллашувларда Пинилопи



КУРАШ

Белкис (+87 кг. Туркия)лар ҳам маҳорат кўрсатиб, олтин медалларга сазовор бўлди. — Кураш аллақачон ирландияликлар меҳрини қозонган, — дейди бронза медали соғиндорси Жойс Маллей (63 кг.). — Бугун мамлакатимизда минглаб ёшлар ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланишмоқда. Вакилларимизнинг китъа ва жаҳон биринчиликларида нуносиб натижаларга эришяётганликлари ҳам миллий спорт турининг эса бежиз эмас. Мен Тошкентга фақат совринли ўринлардан бирини кўлга кириштиш мақсадида ташриф буюрдим. Бугун орузум ушалганидан беҳад хурсандман.

Беллашувларнинг иккинчи кунинида эркеклар ўртасида турт (60 кг., 66 кг., 73 кг., мутлак) ва аёллар ўртасида (48 кг., 52 кг., 57 кг., мутлак) вазн тоифасида бахслар ўтказилди. Унда гиламга чиққан Фуқат Маматов (60 кг.)

Ставрио (57 кг.)нинг финалда ирландиялик курашчини ҳалол йикитиб, олтин медал билан тақдирланганлиги ҳам сўзимиз исботдир. Айтмоқчиманки, курашимизнинг жаҳонда обрўси орбит бораётганлигидан ҳар қанча фахрлансақ, гурунсансақ арзийди. Нуфузли мусобақанинг юксак савида уюштирилганлиги, унда эллика яқин мамлакат полвонлари фаол қатнашганлиги эса миллий спорт турининг тез орада Олимпия ўйинлари дастуридан жой олишдан дарак бериб турибди.

Чемпионат якунида +100 кг. ва мутлак вазн тоифаларида жаҳон чемпиони, деган шарафни номга сазовор бўлган Абдулла Тангриевга Ўзбекистон Президентининг махсуус соғваси топширилди.

Фазлидин АБИЛОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири, М.АМИНОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Қалбга келажакни ёзган зот



СУРАТДА: Хива туманидаги 6-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Муборак Аллаберганова машғулот пайтида. Б.АКРАМОВ олган сурат.

Бу миннатли ва манфаатли дунёда берганини ўзимга қайтарсан, деб таъма қилмайдиган, қайтариб олмайдиган тоифа бор. Булар - ўқитувчилар! Чинакам Устозлар!

Ҳақиқий мураббий ўқувчисининг камолотга етиб, довриги ошганини кўрса худди шу мартабага ўзи эришгандай қувонади. Боши осмонга етади. «Шу болани мен ҳам ўқитганман, менинг шогирдим эди...» деб ич-ичдан севилади. Гўёки ўз боласининг ютуғини кўргани каби шодланади.

Камтар, камсуқум, ҳожисор, иззатлалабқидан йирок одам бўлишди неғадир улар. Ўзи пойгада ўтириши мумкин, лекин тўрадаги, минбардаги шогирдини кўриб гурунланади. Аслида ўқитувчиликдан юксак мансабу мартаба йўқ - олимни ҳам, шоирни ҳам, амалдору донишмандни ҳам ўқитувчи ўқитади. Файласуфлардан бири: «Ўқитувчи ўқувчи қалбига ўз исмини эмас, балки келажакни ёзиб қолдиради...» деганди.

Бу соҳа вакиллари бизнинг жамиятимизда ҳам эъзозланади. Уларнинг хизмати моддий ва маънавий жиҳатдан ҳам нуносиб эътиборда. Шу ўринда қироили бир воқеани айтиб ўтсак: Қорақалпоғистон Республикасининг Элликкальа туманида аjoyиб бир ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. У «Устозга эҳтиром» деб аталади. Уфқларга назар ташлаган болақайнинг бошини силаб, ўзи ҳам нигоҳини олисларга тиккан муаллимнинг ҳайкали ўрнатилган. Ерут ва озода майдон атрофида анвойи гуллар барқ урган. Озодлигимиз раъзи сифатида буй чўзган ёш дарактлар майдон атрофида шовуллади. Ана шундай гўзал масканда нафақат туман, балки Қорақалпоғистон Республикаси микёсидаги маънавий тадбирлар бўлиб ўтади. Айниқса, ўқитувчилар ва мураббийлар кўни умумхалқ айёмида майдон сатҳида одам янада гажув бўлади. Бутун эл-эҳтиром, узок-яқиндаги овуллардан келган кишилар умуммиллий байрамни дастлаб шу ерда нишонлашади. Бундан ташқари фанлар олимпиадаси ғолиблири, ўқиш ва жамоатчилик ишида намуна кўрсатган ўқувчилар дейсизми, санъат ва спорт соҳасида улкан ютуқларга эришган ёшлар дейсизми, ана шу майдонда, кенг жамоатчилик кўз ўнгиде рағбатлантирилади. Хуллас, «Устозга эҳтиром» майдони маънавий ўчоғи сифатида ёш авлод қадамжосига айланган.

Устозларимизни қанча эъзозласак оз. Мураббийларимизга қанча эҳтиром кўрсатсак кам. Улар эртанги кун эгаларини тарбиялайди. Эртанги кун эгаси деган атамани шунчаки, даб-дабали шoir, «кизил гап» деб ўйламаслик керак. Миллатнинг тақдирини, Ватанининг келажиги, деган тушунчалар билан уйғун бу иборат! Шунинг учун ҳам тўғри маънода эртанги кунимиз ижодкорларига янада гажмўрлик қилиш, эъзозлаш, уларга далда бериш юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилаётганидан, бу масала диққат-эътиборга олинишидан қувонмоғимиз керак.

Фирқимизнинг исботи: кўни кеча Президентимизнинг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди. Мазкур ҳужжат фидойи

ўқитувчиларимиз нафақат маънавий, балки моддий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватланганда намунасибдир. Унда ўқитувчилик касбининг аҳамиятини янада юксалтириш, бу касб эгаларининг нуфузини юқори кўтариш, педагогларнинг моддий турмуш шароитини яхшилаш асосий мақсад қилиб белгиланган.

Шу пайтга қадар борда қатор ижобий ишлар амалга оширилган эди. Халқ таълими соҳасини ёш, малакали, ўз йўналиши бўйича мукаммал билимга эга кадрлар билан бойитиш, таълим-тарбия соҳасига замонавий фан ютуқларини олиб кириш, таълим ўчоқларини жаҳон талаблари даражасидаги ўқув ускуналари билан таъминлаш, бир сўз билан айтганда, ХХI асрининг етуқ авлодини воёга етказиш энг муҳим устувор йўналишлардан бири

эканлигини ҳаммамиз яхши билимиз. Бу йўлда жиддий ўзгаришлар, таълим ислохотлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бироқ қарорда кўзда тутилгани каби: «Шу билан бирга, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришнинг амалдаги тизими мактаб таълимининг заиф бўлиши бўлиб қолмоқдаки, бунда педагогларнинг истеъдоди, касб маҳорати ҳамон улар меҳнатига ҳақ тўлашининг энг муҳим белгиларини кўрсаткичи бўлиб қолгани йўқ. Амалдаги тариф ставкалари даражасида пастлиги, устама халқларни белгиланиши аниқ ва ошқора механизмни йўқлиги ўқитувчиларнинг шахсий ҳиссаси намойиш бўлмастлигига ва мактабларнинг педагогик салоҳиятини пасайтиришига олиб қолмоқда...»

Хуллас, ўсиб келаётган авлодини уйғун қамол топтириш, уларнинг масъулиятини кучайтириш, шахсий ҳиссасини ошириш мақсадида ушбу Қарор қабул қилинди.

Бундан ташқари ўқитувчиларнинг тарбиявий, синфдан ташқари ишларини бажарганлик, касб маҳорати ва ўқув жарағинга қўшган ҳиссаси, юқори натижаларга эришгани учун базавий ставкаларига устама ҳақ, уларга бир марта бериладиган мукофот ва моддий ёрдам учун умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жағмармаси ҳам ташкил этилади дегилди. Албатта, бу моддий рағбатлантиришнинг маъсул йўлларидан биридир. Умумтаълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи келгуси йўлдан бошлаб 1,3 барабар қўпайтирилади. Шунингдек, умумтаълим муассасалари директорлари ва уларнинг ўқув ҳамда маънавий-маърифий ишлар бўйича хўрдиносарлари иш ҳақи 1,4 барабар оширилди.

Ушбу қарорнинг ўзига хослиги шундаки, юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар, таълим соҳаси ходимларининг машаққатли меҳнати, улар олдидаги бурч ва масъулият эътиборга олинганлигидан далолат беради. Ҳар қандай азиз иш назардан четда қолмайдиган жамиятдагина ҳам маънавий, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан юқоалиш давом этаверади. Ўз келажиги билан уюшган, унинг қалбини миллатнинг бой маданий мероси сарғашмалари билан лиммо-лим этиш учун меҳнат қилаётган инсонларни қадрлаш эса энг улғу фазилат, халқона қилиб айтсак, энг катта савобдир!

Қўқор НОРҚОБИЛ

Таълим тараққиётининг асоси

Ҳар қандай мамлакатнинг демократик ҳусусиятларини кўрсатувчи шартлардан бири - инсон ҳуқуқи ва эркинликларига қандай ёндашганлиги ҳамда унинг амалга ошиши учун яратилган шарт-шароитлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг демократик давлат қуришдан мақсади ҳам айнан мамлакатда яшовчи ҳар бир фуқаронинг эркинликларини тўла таъминлашдир. Ва бу борадаги ҳуқуқий асосни Конституцияимизда умумэтироф этилган мезонларда кўришимиз мумкин.

Жумладан, унда мамлакатимиз фуқароларининг нуносиб ҳаёт кечирешларини таъминловчи Асосий Қонун сифатида инсонларнинг билим олишларидаги алоҳида уруғ берилди.

Унинг 41-моддасида ҳар қимнинг ҳуқуқига бепул умумий таълим давлат томонидан кафолатланиши ва мактаб ишлари давлат назоратида эканлиги қайд этилади.

Маълумки, фуқароларнинг, хусусан, ёш авлодининг билим олиши тегишли таълим тизими орқали амалга оширилади. Конституциянинг юқоридаги моддасидан шу ҳақиқат аниқлашдики, билим олишда ҳақсиз умумий таълим давлат томонидан кафолатланади. Демак, давлатимиз бутун мамлакат ҳудудида умумтаълим мактабларини ташкил этади, уларни ўз бюджетидан молиялаштиради ва фаолиятини белгиланган тарзда тартибга солиди.

Фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи конституциявий норма сифатида белгиланиши мазкур ҳуқуққа доир бир қатор Қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва уларни ҳаётга татбиқ этишни тақозо этади.

(Давоми 2-бетда)

Бугуннинг гапи

Мана, йил ҳам оёқлаб қолди. Йилни сарҳисоб қилаётган сирдарёлик фермерларнинг кўнгли тўқ. Боиси шундаки, воҳаликлар давлатга пилла, галла, пахта сотиш режасини ошириб бажардилар. Муҳими, вилоят экин май-

мавсумда майдонларнинг шўрини ювишдир. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида вилоятда 80 минг гектардан ортққ ернинг шўри ювилди ва кўпгина майдонларга яқоб суви берилди. Натижа эса ҳаммаимизга маълум. Бу йил эса ундан-да кўп майдонларнинг шўрини ювиш тад-

Шўр ювиш - муҳим тадбир

донларининг унумдорлиги ҳам, ҳосилдорлиги ҳам ошди. Чунки ҳукуматнинг амалий ёрдами туфайли Сирдарёда ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш борасида бирмунча ибратли ишлар амалга оширилди. Ариқ, зовурлар, коллекторларнинг кўзи очилди, янгилари барпо этилди, ёпиқ-ётиқ дрежеларнинг бир қисми ювилди.

Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорлигини ошириш амалларидан бири кузги-кишки

бир дастури ишлаб чиқилган. Азал-азалдан Сирдарё Мирзачўл ерларини комплекс ўзлаштириш ва ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш борасида тажриба мактабини ўтаб келган, ҳозир ҳам мелiorация борасида ана шу аънава давом этапти. Марказий коллекторлар қуриш, ариқ-зовурларни тозалаш, ерларнинг туپроқ таркибини ўрганиш бўйича етарлича тажриба бор.

(Давоми 3-бетда)

«Qishloq hayoti» газетасига



2006 йил учун обуна бўлдингизми?
Газетанинг нашр кўрсаткичи — 144

МУАММО ВА ЕЧИМ

«Қизларимиз атлас киймай қўйишди», деб қолди даврадаги суҳбатдошлардан бири. Шундан сўнг баҳс авжига чиқди. Буни четдан кузатиб турган отахон «Хотин-қизларимиз тутларни ўчоқ-тандирга ўтин қилиб ёқишяпти!» деди.

бўлган тут дарахтидаги мўл барг ҳосилга боғлиқ. Шундай экан, тутчиликнинг бугунги аҳоли қандай? Маълумки, тутзорлар билан қанча ипақ кўртини боқиб мумкин? Олинган маълумотга қараганда, ҳозирда 47 минг 834 гектар тутзор ва 92945 туп тут қаторлари мавжуд. Мутахассисларнинг айтишича, сўнгги

Тутчилик: Пиллачилик ривожини пойдевори

Кўпчилиكنинг кўнглидан бу гапнинг масаллага нима алоқаси бор экан, деган фикр ўтди.

Уйлаб кўрсак, отахон ҳақ гапни айтганди. Негаки, атлас хом аёси - ипақнинг кўп ва юқори сифатли бўлиши ипақ кўртининг озуқа базаси

йиллардаги эътиборсизлик туфайли аҳоли шу даражага келган. Аниқроғи, тутзорларнинг салмоқли қисми кўпорилиб, ўтин бўлиб ёниб битган. Яъни, 195226 минг туп тут йўқолиб кетган.

(Давоми 2-бетда)

ХАЛҚ БАНКИ
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

БУНИ ХАЁТ ДЕЙДИЛАР...

Хиёнатга айланган ҳадик

Баходир дўстининг тўғри сўздан кўрди, ҳадик-сирани, ваҳимага тушди. Кўролмаснинг қўзини очиниш керак, уйдаги у ва дўсти Махмуджондан ўч олиш пайига тушди. Бунга ўзинча "эришди" ҳам...



—Сизга бир муҳим гап айтмоқчи эдим, — деди Баходир қурилиш объектини айлангани келган трест бошқарувчиси Топшўлат Собировичга.
—Хўш, нима гап экан, — деди бошқарувчи энгил машинасига чиқиб.
—Мен ўринбосарингиз Махмуджон билан урушиб қолдим, — деди Баходир овозига жиддий тус бериб.
—Нима учун? — сўради бошқарувчи.
—Сиз тўғригингизда бўлмагун гаплар айтгани учун. Нима эмиш, сиз участка бошлиқларига қурилиш материалларидан соттириб, пулини олар экансиз. Чидаб туролмадим, айтишиб қолдим, — деди Баходир кўзларини жавдиратиб.

Энгил машина ўрнидан кўзгаллиб, шаҳарга борадиган асфальт йўлга бурилди. Топшўлат Собирович йўлнинг икки томонидаги далаларни кўзатиб борар экан қурилиш участкаси бошлиғи Баходир Жабборовнинг гапларини эслаб ажабланиди. Наҳотки шу рўст бўлса?! Ахир ҳали трестга бошлиқ бўлганимга бир йил ҳам тўлмади-ку! Пайт топиб Махмуджон билан гаплашмоқ керак...

Кўнларнинг бирида Махмуджон бошлиқ олдиға ишга доир муаммолар ҳақида гаплашиш учун келди. Сўхбат кўнгидаги-дек ўтди. Муаммолар ечимига доир чора-тадбирлар кўриладиган, амалий ёрдам бериладиган бўлинди.

—Мана, ишлар ҳақида ҳам гаплашиб олдик. Энди ҳар иккаламиз учун ҳам шайхсий ва ниҳоятда муҳим бўлган бир гап тўғрисида сўзлашиб оلسак, — деди бошқарувчи Махмуджонга зимдан боқиб. — Дўстингиз Баходир Жабборов билан нега жанжаллашиб қолдинглар?

Бошқарувчининг саволидан ҳайратга тушган Махмуджон жанжал сабабини изоҳлай бошлади:

—Баходир кейинги пайтларда анча манман бўлиб қолди. Кингир ишларга кўра бошлади. Хеч қимдан тап тортмасдан қурилиш материалларини, айрим техника воситаларини гўмон қилиб, чўнтағига ураверди. Натияжада қурувчиларда норозилик кучайди, юқори ташкилотларга шикоят хатлари ёзила бошлади. Бир томони, 10-15 йиллик дўст, яна бир томони бир ташкилотда ишловчи касбдош бўлган, уни тўғри йўлга даъват этмоқчи бўлдим. Тўғри сўз тўққанинга ёқмас, деганларидай, дўстим жаҳл отига мийиб ҳақоратлашгача борди.

—Гап бу ёқда экан-да. Вой номард-ей, — деб юборди Топшўлат Собирович. — Кўркан бурун мушт кўтарар деганларини шу-да. Биласизми, у сиз ҳақингизда нима деди? Сиз мени участка бошлиқларидан қурилиш материалларини соттириб, пулини олади, деб юрган эмишсиз.

Махмуджоннинг миясига мушт тушгандай бўлди.

Аҳмаджон РАХИМОВ

"Эҳ, Шарифбой тушмагур-эй!"

Шаҳобиддин деганлари очикўй, очикўнгил, ши-наванда йиғит. Уч фарзанди, фарштали айли бор. Қизи бу йил ўзининг битиряпти.

Кичик ўғли маҳалладаги тўйда "ер-ёр" эшитса, ичи жижиллаб "Акамни қачон ўйлаймиз, дада?" дейдиган бўлиб қолди. Ҳа, тўйларни ўйласа, уйқиси қочиб кетган. Эр-хотиннинг топгани рўзгорга етиб турибди-ю кўнгил қурғур барибир бетокат-да.

Шаҳобиддиннинг ана шу бетокат кўнгил ўзга юрларни тусаб қолди. Елкасига тўнни ташладиди, "хай-ё, хуйт" деганича кетди. Кетдию, олти ой деганда ўзга юрнинг нуқси уриб, юзлари оқариб, оғзининг таноби қочиб кириб келди. "Дурут, — дейишди яна зийтанлар, — Зивёрт қилиб чиқайлик, чўги бандан шекили".

Шаҳобиддиннинг Шарифбой деган тили тахирроқ ўртоғи бор. Бировнинг дарвозаси очик қолган бўлса, "шамол кирмасин", деб беркитиб юради. Шу оғайниси кўрасаки, Шаҳобиддин тушмагур меҳмон кузатиб чарчамайди. "Яхши келдингизми?" деб хали униси қиряпти, хали буниси. Хотини ҳам тинкаси қуриб идиш-товоқ ювгани ювгани. Болалар ўтин ёрган, қўшиникидан катта қозон сўраган. Қўйингки... Шарифбой чидамди.

—Кани, бундай ўтир-чи, — деб ҳоли қолганида дўстининг енгидан торти-да, сўридан жой кўрсатди. —Сен дунё кезиб ўйнаб келдингми ё қаҳрамонлик кўрсатиб орден олдингми? Қанақа қилиб ишлаб пул топганини биламан. Ҳар қуни қозон қайнатиб, ишани териб ташлаб, меҳмондорчилик қилганинг нимаси? Ховли-жойингиз бир кара...

Шаҳобиддин нургадан деворга, кесакиси қийшайиб қолган ашиқча, қора қоғози тўкилай, деб турган бостирмага зимдан кўз ташлаб қўйди.

—Пулнинг ошиб-тошиб кетдики? Болаларингдан бир оғиз "ниманг ҳам?" деб сўрадингми? Бир ҳафтадан бери ақинларингдан хабар олдингми? Келди-кетдини кузатаман, деб олти ойлаб сарсон-саргардон юрдингми? Шуми одамгарчилик?

Шарифбой қўлидаги дурраси билан дастурхон четига қўнган пашшани чўнама урдик, пиёла тўнжарилиб қолди. Шаҳобиддин ачкач гап-сўзларни эшитди-ю, дўплайиб турган чўнтагини лайпаслаб олинб қўйди. Кейин... секин бориб кўча дарвозани беркитиб қолди.

Ғолибжон АБДУЛЛАЕВ

"Сен илонми?!"

Чиябўрини Сурхондарё шевасида шохол, деб айтишди. Хатто шохол деган қавм номи ҳам бор. Шу қавмдагиларнинг баъзисига "шохол" сўзини қўшиб, кулгу, ҳазил тарзида ишлатишади. Урол шохол шу қавмдан. Кўнгли жуда очик, Ҳазил-аскияга ўч...

Уктам, Урол шохол, Жуманазар... бир гуруҳ дўстлар Термизга ҳайвонот бўлган боришди. Роса айланмишди. Чўкиш жойига келишди. Ё тавба. Урол шохол йўқ. Анча излашди. Бир пайт қарашса, Урол шохол чиябўри қафаси ёнида. Уктам бандан овозда чакирди: — Урол шо-хо-ол!

—Ха! — тез орқага ўгирлиди.
—Сен ҳам шохолми?! — деди Уктам.
Дўстлар маза қилиб қулишди.
Ийлар ўтди. Тасодифни кўринг. Ўша дўстлар яна Термизга "Ҳайвонот боғи"га киришди. Яйраб, қизиқиб томоша қиладиган жой-да... Таажубки, Уктам кўринмай қолди. Урол шохол севди: у илонларга овчиб турган. Тез-тез юрди. Борса, Уктам илонларга тикилиб олган. Бемалол "ичидан" ғолибона чакирди Урол шохол:
—Ук-та-м!
—Ҳа! — деди Уктам.
—Сен... илонми?! — Урол шохол Уктамга ярим қилиб кўз тикди. Уктам "мот" бўлганини билди. Жавоб топмади. Лабини қаттиқ тишлади. Ҳозир сўхбатларда Уктам сал асабийлашади, дўстлари айтиди: "Сен илонми?! Уктам жим бўлиб қолади..."


Менгнор Олломурад

(Боши 1-бетда) Шу маънода ҳозир фуқароларнинг маъруза ижтимоий ҳуқуқи 1997 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатлари билан мувофиқлаштирилади. Шуниси аниқки, ҳеч қимга илм олиш ҳуқуқи тақиқланмайди. Жинси, тили,

Таълим тараққиётининг асоси

ёши, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, турар жойи ва Республикаимиз ҳудудидан қанча вақтдан буюн аша-ётганлигидан қатъи назар, ҳар қим билим олишда тенг ҳуқуқлидир. Бу ҳуқуқ турлича усул ва воситалар орқали таъминланади.

Билим олишни истовчи шахс ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ҳам, бепул ёки давлат бюджетидан ажратмалар,



Иёл қурмоқ савоб, дейди халқимиз. Таъмирлаш-чи? Бу юмуш билан шу-ғулланувчилар ҳам кам бўлмайди. Жизза-қам вилоятидаги "Бўстон" йўл ҳудудий пудрат таъмирлаш корхонаси йўлсозлари ўз касбларидан фخرланишди. Чунки мамлакатимиз йўлларининг равон бўлишида уларнинг ҳиссаси бор. Йўлсозлар ҳозир Тошкент - Термиз халқаро йўлига хизмат кўрсатишди.



СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятдан лавҳалар. Б.АКРАМОВ олган суратлар.

(Боши 1-бетда) Алап-оқибат ҳар навсумда тут барги танқислиги озага келтириб, Борлари ҳам қаровсиз қолиши натижа-сида маҳсулдорлиги пасайиб кетмоқ-да. Шунинг учунки, қишлоқ жойлар-да пилла боқаман, деганларни ура-тиш қийин. Бу эса жойларда пилла етиштириш бўйича меҳнат шартно-малари тузишда муаммолар келтириб чиқараётгани аниқ ҳақиқат.

Шу тобада ўйга толасан киши. Ахир ипак қурти озуқа базасини муш-қамлаш, тутзорлар ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 апрелда 118-сонли қаро-ри қабул қилинган, унда ўтган давр мобайнида 12772 гектар тутзорлар барпо этилиши белгилаб берилган-ди. Мазкур қарор ижросига сусткаш-лик билан ёндашилганлик оқибати-да муаммо "болалаб" кетган, десак муболага бўлмас. Чунки 2002-2005 йилларда бор-йўғи 3551 гектардан зиёдроқ майдонда тут қўчатлари ўтказилган, холос.

Тутларнинг маҳсулдорлигини ошириш, ипак қурти озуқа танқисли-гини бартараф этиш учун нима-лар қилиш керак? Савол билан Ўзбеки-стон ипакчилик илмий-тадқиқот ин-сти-тuti мутахассисларига мурожаат қил-дик.

—Тутчиликни ривожлантириш, ўзи-мизнинг иқлим шароитга мос серма-хсул навларини яратиш бўйича инсти-тутнинг тут селекцияси ва лаборато-риясини ҳодимлари шуғулланиб кела-ди, — дейди институт етакчи илмий ходими Улмас Кўчқоров. —Айни мақ-садда коллекция ташкил қилинган бўлиб, унда 230 дан ортиқ тут навла-ри бор. Олимларнинг сай-харакат-лари тўғрисида ўтган давр мобайнида 100 дан зиёд тут навлари яратилди. Ҳозирда 9 та сермахсул навимиз иш-лаб чиқарилиши учун районлаштирил-ди. Улар хашаки тутларга нисбатан 1,5-2 баравар кўп барг бериши билан ажралиб туради. Худди шундай қўри маҳсули яна 20 та нав Дав-лат нав синаш ҳай-атида синонадан ўтказилди. "Оқ фотиза" олган, улар ҳам хўжалиқларда кўпайтирилади. Ипак қурти озуқаси муаммосини тут плантацияларини кўпайтириш, улар-да ҳосилдор, сербарг навларни экиш орқали ҳал этиш мумкин.

Бирок, Улмас Кўчқоровнинг сўзла-рига қараганда, районлаштирилган 9 та навдаги тутлар мавжуд тутзорлар-нинг 2,5-3 фоизини ташкил этар экан. Сабаби билан қизиқганимизда, пай-ванд орқали кўпайтирилганлиги тўғрисида улардан қўчат олинганли-ги айтишди.

муассасаларини давлат томонидан молиялаш имконияти йўқ. Демак, бозор муносабатлари шароитида хусусий сек-тордаги таълим муас-сасаларини ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, хусусий муассасалар ўр-тасида озага келадиган рақобат таълим олувчиларга турли шарт-шароитларни

қарашли бўлмаган мак-табгача болалар муас-сасаларини ташкил этиш йўлга қўйилди.

Бу йўсиндаги тадбир ўрта мактабларда, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида ҳам жорий этилса, айни мuddа ҳисобланади. Чунки қаерда рақобат бўлса, шу ерда ривожланиш, ўзгариш юз бериши табиий. Лекин бу давлат таълим муас-сасаларидан воз кечиш керак, деганимиз. Мам-лакатнинг барча аҳолиси ҳам тижорат билим макса-нларидан ўқиб имкониятига эга эмас. Шу сабабли ҳам давлат, ҳам тижорат таълим муас-сасалари бирдай фаолият қиритгани маъқулдир.

Қўшничиликда низо ярашмайди

Халқимизда "Ён қўшни — жон қўшни" де-ган нақл бор. Бу гапнинг нечоғли тўғри эканлигини жуда ҳам яхши ҳис қиламиз. Болталилик Илхом Раҳмонов ҳам бунини яхши тушунади. "Ҳоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон, қўшнидан фойда. Улар билан сен-мен-га бориб юрамани", деб ўйлаб ўн йилдан зиёд вақт фақат ва-даларга қўниб юрди. Охири бўлмади...

Воқеа уч қўшни — Илхом Раҳмонов, Акбар Хусенов ва Жамила Са-лимваларга 1990 йилда уй-жой қуриш учун ер берилишидан бош-ланган. У пайтлар ён-атрофда уйлар қурилмаган, уларнинг то-морқасига сув икки томондаги ариқдан ҳам бирдек келарди. Жамила Салимова турмуш бўлмасин, шундоқгина масала ҳал бўлар, уларга инсоф қилиб қолар, деб ўйлади. Аммо қўшнларнинг дилида бундай ўй-хавф йўқ эди.

Шундай бўлган, Илхом Раҳмо-нов охири-оқибат ўзбошимчилик билан, ноқонунли тарзда эгаллаб олинган йўл ва ариқни очиб бе-риши сўраб, судга мурожаат қил-ди.

Суд ушбу ишни ўрганишга ки-ришди. Суд мажлисида сўралган даъвогар, жавобгар ва гувоҳлар-нинг кўрсатмалари эшитилиб, ишда мавжуд бўлган ҳужжатлар таҳлил қилинган, даъво қисман қаноатлантирилди. Яъни, тегиш-ли ҳуқуқий меъёлар ("Ер кодек-си"нинг 91-моддаси) асосида умумий фойдаланиш учун мўлжалланган йўл ва ариқ очиб берилди. Қўшнлар ҳам уза-ро мурожаат қилдилар.


Самат АЛИБЕКОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Паст Даргом тумани суди раиси, Акрам ХАЙДАРОВ, журналист.

Фермер тадбиркор ва билимдон бўлсин

Бугун республикамизда фаолият кўрсатаётган фермерларнинг сони 126 миңга етди. Бу кўрсаткич 2006 йилда янада кўпаяди. Негаки, паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ширкатлар босқичма-босқич тугатилиб, уларнинг ўрнида қишлоқ мулкдорлари — фермерлар иш бошлашяпти.

Уларнинг фаолиятини ривожлантириш, етарлича шарт-шароит яратиш бериш масаласига давлатимиз томонидан доимий эътибор қаратиб келинаётди. Ўртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида ҳам фермерликни ривожлантириш масаласини энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берди. 2007 йилга бориб мамлакат янги ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва фермерларнинг ҳиссасини 45 фоизга етказиш масаласи кўйилган.

Фермерлар фаолиятини таҳлил этилганда, уларда ҳосилдорлик ҳам, яъни ҳосилдаги улуши ҳам ортиб бораётгани кўрилади. Соҳадаги бу каби муваффақиятлар ҳақида гап кетганда, мутахас-сислар уни ер ҳақиқий эгасини топаётгани билан боғлашяпти. Лекин ҳозир-ги замон кишиси сифатида майдонга келган фермернинг қиёфаси, унинг тафаккур доираси қандай бўлиши керак? Сийсий-иқтисодий ва маънавий савия-чи?



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси билан Фермер ҳўжалиқлари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган икки кунлик илмий-амалий семинар айнаи шу масалага бағишланди. Чунки фермер ҳўжалиқлари-ни янада ривожлантириши таъминлаш учун фермерлар-нинг иқтисодий ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий билимларини тақо-милаштириш, ўз фаолиятларини таҳлил этиш тажрибаси ва малакаларини муттасил ошириб боришни даврнинг ўзи та-қозо этаётган. Ҳуқуқ-семинар дастури доирасида иштироки-ларга бугуннинг долзарб масалалари бўйича маълумотлар бе-риш, фикр алмашиш, мавжуд муаммолар юзасидан зарур так-лиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Мазкур семинарда Фермер ҳўжалиқлари уюшмасининг маъсул ҳодимлари, худудий филиаллари раҳбарлари ва ил-гор фермерлар қатнашди.

Фермер бу кечаги деҳқон, ҳосилот, борингки, механизатор. У чигитни қандай экиш керак, гапла парваршида ни-маларга эътибор зарурлигини, ҳуллас ер илмини яхши би-лади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси фермер ҳўжа-ликлари уюшмаси раиси Озод Тиломурад. — Лекин улар-нинг ақсариятида ҳуқуқий билим етарли даражада эмаслиги кўзга ташланипти. Бу каби ўқув семинарлар уларнинг заиф бўғинларини мукамаллаштириш имконини берапти. Тўғри, бир тадбир доирасида барча фермерларни қамраб олишнинг имкони йўқ. Мазкур ўқув ҳам Фермер ҳўжалиқлари уюш-маси худудий филиаллари раҳбарлари ва илгор фермерлар иштирок этишди. Энди бу каби ўқувлари жойларда ўзимиз ўтказамиз. Ҳуқуқлар фермерларни йиғиб олиб, лекция ўқиб бериш билан эмас, балки тренинг тарзида ўтказилаётгани яхши самара берапти.

Ўқув-семинар бугун ҳам ўз ишини давом эттиради.

Р.САИДОВ Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Тутчилик: Пиллачилик ривожини пойдевори

чиқариб қўйиб қўйилади. Илдиз ол-гач, бўлақларга ажратиб экилади. Қаламча усули эса ўзини оқламаётган экан.

Тарихдан маълумки, юртимизда қадимдан тутнинг балхи, шотут, мар-варид каби маҳаллий навлари халқ йўли орқали кўпайтириб келинган. Улар асосан меваси учун парварши-қилинган. Ипак қурти учун озуқабо-ларга эса бўлмаган. Бундай тутлар Хи-тоё, Япония, Вьетнам, Болгария син-гари чет давлатлардан келтирилиб, институт олимлари томонидан маҳал-лий шароитга мослаштирилди.

Бирок 1933-1937 йилларда кел-тирилган тутларнинг ҳосилдорлиги, сифати борган сари пасайиб кетди, — дейди Улмас Кўчқоров. —Натижа-да улардан уруғ олишнинг ҳолати қолмади. Аслида бу табиий жараён. Шунинг учун институт олимлари то-монидан тутнинг 3 та дуррағи ота-она-лари танланиб, йигирма йил давоми-да уруғи олинди. Ҳозир бу дуррағи тутзорлар жами 31 гектарга етди. Эндиликда улардан қўчат олинганли-ги айтишди.

қўнларнинг бир жойдан иккинчи жойга қўчиши натижа-сида кенг тар-қалиб кетаётди.

—Эҳтимол, тутларнинг касаллик ва турли хашаротларга чидамли навлари яратиш керакдир, — сўраймиз сўхбатдошимиздан.

—Касалликларга чидамли навлар кўп, лекин тут парвосани хашарот. Бунинг билан йўқотиш қийин. Чун-ки улар озуқабоп тутларга нисбатан ўз-бўлишади. Чунки сифатли тут на-влари барглари юмшоқ ва турли озиқ моддаларга бой-да. Хашаки қураш йўли билан зарарлангани ка-майириши мумкин. Шу қўнларда "бел-боғ боғлаш" усули ҳам яхши самара беради. Бунинг учун эски моталар дарах таналарига боғлаб қўйлади. Хашарот унинг ораларига кириб ўй-гута кетади. Уни ечиб олиб, йиғилган тут парвосини даф қилиш мумкин.

Базан йўлаб қолам: ипак қур-тидан йилга тўрт марта ҳосил олиш-тидан Японияда озуқа муаммоси оза-га келмасмикин? Бизда ипак қурти йилга бор-йўғи бир марта боқилса-да, ҳамон бу масала оғирлиғига қоляпти. Эҳтимол, уларнинг тажриба-сини синаб кўриш керакдир. Умуман, японларда тутни қандай кўпайтири-шади?

—Уларда тут қаторлари эмас, қалам усулида тутзорлар ташкил этилади, — дейди У.Кўчқоров. —Қатор оралари 2 метр, тутларнинг ораси эса 20 см.

қилиб экилади. Вьетнамда ҳам худ-ди шундай. Тутнинг навлари биз-даги ҳўшб кесиб олинмайди, бал-ки япроқлари худди чўк баргига ўхшатиб битталаб териб олинади. Навдада 21 кун ичида яна барг ети-лади. Шунинг учун уларда ҳосилдор-лик юқори. Бу ипак қуртини 6-8 мар-тагача парварши қилиш имконини беради. Кейин иқлим шароити шун-га мос. Бу билан бизда тақдор ҳосил олишнинг илоҳий йўқ, дегмоқчи эмас-ман. Ҳозирда ҳам қўллаш мумкин. Яъни, икки марта ҳосил олиш мум-кинлиги аллақачон олимларимиз то-монидан исботланган. Бунинг учун тутга бўлган муносабатини ўзгарти-риш, агротехник қоидаларга амал қилинган ҳолда парвартиш зарур. Афуски, бизда тутзорлар кўп йиллар ўз холига ташлаб қўйилди.

Мутахассисларнинг айтишича, тут-ларнинг умр кўриш даражаси ҳам, ҳосилдорлиги ҳам уларнинг парва-рига боғлиқ. Буга тутзорлар 15-20 йил ҳосил беради, бандан танали тут-лар 50-60 йилгача нав ҳусусиятлари-ни йўқотмайди. Агар тутзорлар йил-га 6-7 марта суғорилиб, 120 кило-грамм азотли, 90 килограмм фосфор-ли, 30 килограмм калийли ўғитлар билан озиклантурсан, ундан ҳам кўп яшайи мумкин. Демак, тутзорлар маълум даврдан сўнг янгилаб бори-шни тақозо этади. Шу маънода рес-публикамиздаги кўпгина тутзорлар "нафақа"га чиқиб қолганини табиий. Лекин уларни янгилаш борасида ўтган давр мобайнида айтарли иш қилинмаган.

Муаммо ечими йўлида умидли қадам. 2006 йилда 6 миң гектар май-донда тут плантациялари ташкил этиш режлаштирилган. Ҳозир эса қўчат экишнинг айнаи вақти. Мутахас-сисларнинг айтишича, қузда қўчат ўтказишнинг афзаллиғи кўп. Чунки йўқудаги ниҳоллар беҳато уни чи-қариб. Лекин яна савол туғилади. Яра-тиладики тутзорлар учун кўчат захира-лари мавжудми? Ҳар ҳолда, бир гек-тарга 5 миң тут ниҳол керак бўлади. Бунинг энда яратилахиз тут майдон-ларига кўпайтирсангиз, талай тут қўчатлари кераклиги ойдинлашади. Институт мутахассисларининг айти-шича, бу борада муаммо бўлмайди. Демак, яқин йилларда тутчилик ри-вожланиб, ипакчилик соҳасида янги саҳфа-лар очилишига умид бўлсак бў-лади. Ана шунда хотин-қушларимиз эгнилариде тўвусдек товланувчи ат-ласларни кўриб, қўзимиз қунайди.


Саид РАХМОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Абу Али ибн Сино таваллудининг 1025 йиллигига

Дунёни дод этган аллома

Комусий олим, ўз ақлаковати билан Фарб Шарқи лол этган Буюк бобоклонимиз Абу Али ибн Сино таваллуд топаган Афсонада аллома юбилей тантаналарининг дастлабки қисми бўлиб ўтди.

Юбилей олдидан бу ерда кенг кўламли қурилиш ободончилик ишлари олиб борилди. Йўллар ҳамда уйлар, маданий иншоотлар, ибн Сино музейи таъмирланди. Табобат илмининг султони, дея тан олинган олим таваллуд топаган қишлоқда дунёнинг ўттизга яқин давлатларидан келган шарқшунос, шифокор, тарихчи олимлар, мазҳабшуносларни кўриш мумкин.



Айтиш жоизки, юбилей тантаналари анча олдироқ Бухоро шаҳрида бошланган эди. Бу ердаги мухташам "Бухоро-Палас" меҳмонхонасида жарроҳларнинг республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Бухоро тиббиёт институти ҳамкорлигида ўтказилган бу тадбир нейрорехрологияда долзарб масалаларга бағишланди.

Юбилей тантаналарининг асосий қисми эса "Бухоро-Палас" меҳмонхонасида бўлиб ўтди. "Буюк мерос ва миллат саломатлиги" мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуманида республикамиз ва бир қатор давлатларнинг ётақчи олимлари ибн Сино мероси ва уни тадқиқ этиш бо-

расидаги изланишлари буйича маъруза қилдилар.

Ибн Сино 10-13 ёшидаёқ мантиқ, фалсафа, математика, тиббиёт масалалари билан шуғулланган катта истеъдод эгасидир, - дейди биз билан суҳбатда филология фанлари доктори, профессор Р.Вохидов. - Уни ҳақиқ тарзда комусий олим дейишди.

Буюк бобоклонимиз яратган "Тиб қонунлари" асари 500-600 йил давомида дарслар вазифининг ўтагани, Европа олимлари учун у ҳали-ҳануз ўқиш-ўрганиш манбаи бўлиб келаётганини ўзиёқ жуда кўп нарсани аниқлади. "Медицина" сузи асарида "Мадади Сино" деган сўздан олинганлигини айтмайсизми? Юбилей тантаналарида катта концерт дастури намойиш этилди. Ватанини, қадриятларини улуғловчи кўшиқлар янгради. Аждодлар меросини асраб-авайлаш, уларни ўрганиш ва тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида истиқлол гоёларига садоқат руҳини синдиришга хизмат қилган юбилей тантаналари ҳукуматимизнинг халқ саломатлиги ва маънавиятига қўрсатаётган ғамхўрлиги намунасидир.

Истам ИБРОХИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Одатдагидай таниш йўлдан ўтарканман, маҳзун куз дилимни чулғай бошлади. Негадир кўнглим ёлғизлигимни сездиргандай бўлаверди. Атрофдаги дарахтлар ниманидир шивирлаётгандай сарғайган барглари тўқмоқда, барглар қадрдон новдаларини тарқ этиб, шимолда муаллақ учиб, оҳиста ерга бош қўяди.

Маҳзун куз

Одамлар эса бепарводай, ўз ташвишлари билан шошилганча хазонларни босиб, эзиб ўтавердилар. Дарахтлар эса оёқ остидаги хазонларни кўриб, ўзларини ёлғиз ҳис қиларлар балки?

Шу пайт кўз юзидан булут оралаб, ёмғир шивалай бошлади. Дарахт шоҳлариди мусаффо томчилар ҳам ерга, хазонлар устига ёғилмоқда. Бейхитёр эгилганча хазон барглари ни кафтими олдим, бўғзимга қаттиқ бир нарса келиб тўхтади, кўзимдан томаёт-япроқлардаги ёмғир марваридларига қатга қандай хаёл-Бекат билан келдим. Кўниб юрган қушларга тикилдим, негадир шу бекатдан ҳеч кетгим келмай қолди. Бирорта кўнглимга ақин дугонам ёки ўзимга таниш бирор меҳрибон инсонлар кўриниб қолса, ёлғизлигимни унутсам, дердим. Юзлаб йўловчилар келиб кетди. Ёлғиз ўзим хаёлларга чўмиб узок ўтирдим.

Назаримда, табиат яратган буюк борлиқ аслида ёлғизликдан иборат экан. Бепарвон кум саҳролари кўксидан кесиб оқиб ўтаётган дарё ҳам ёлғиз ўзи оқади. Юксакликка буй чўзган пурвиқор чўққи ҳам ёлғиз. У чексиз мовий осмонни ёлғиз ўзи елкасида кўтариб туради. Қушлар ҳам қоронғи тунларда ёлғиз ўлади. Одамзод ёлғизлиқни асло истамайди, ахир унинг юрак тафти бор, бу беҳаловат дил тафти билан у узок ёлғиз қолмайди. Меҳрини хазонларга улашавтганим шундан эмасми?

Оҳиста ўрнимдан турдим, ниманидир бир-бирига "тушунтираётган" қушчаларга қараб юзимга илиқ табассум ёйлди, назаримда, ҳовлида ўйнаб юрган жиянларимга ўшади улар, уйга қушдай учиб боргим келди, онажонимнинг меҳр тафтини ҳис қилгандай бўлдим...

Марҳамат МАТВАФОВЕВА



"Пахтакор" Кубок соҳиби

Тошкентдаги "Пахтакор" марказий ўйингоҳида футбол бўйича Ўзбекистон Кубоги финали бўлиб ўтди. Биллур соврин учун кечган маърузада "Пахтакор" ва "Нефтчи" клублари ўзаро баҳс олиб борди.




Кескин курашлар остида ўтган ўйин тақдирини Анвар Солиев томонидан қиритилган ягона гол ҳал қилди ва "Пахтакор" ўз тарихида еттинчи бор мамлакат Кубоги эгасига айланди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, финал учрашуви анчагина кўпол вазиятларга бой бўлди. Учрашувини бошқарган Файрат Каримов олти бор чўнтагидан сарик қарточкани олганлиги ҳам бунга мисол бўлади. "Пахтакор"чилардан Илҳом Суёнов, Асрор Алиқулов ва Вячеслав Пономаревлар огоҳлантирилган бўлса, фарғоналик футболчилардан Абдумажид Тоиров, Нодир Қўзибоев ва Афзал Азизовлар қўполликлари учун ҳакам томонидан сарик қарточка билан "сийланиш"ди.

Шу тарихида мамлакатимизда яна бир футбол мавсуми якунига етди. Энди ОФК қонун-қоидаларига қўра, Осиё чемпионлар лигаси-

олиб борилган даволаш ишлари ва жарроҳлик амалиётлари ҳам 34 ёшли спортчининг ҳаётини сақлаб қола олмади.




Шу йилнинг ёзида Бернс касалхонани тарқ этганди ва соғлиги жойига келаётганини маълум қилганди. Хатто, у ўшанда Кастл-Комбада ралли машиналари парадиди ҳам иштирок этганди.

Ричард Бернс 1971 йил 17 январда туғилган. Ралли бўйича жаҳон чемпионларида у "Mitsubishi", "Subaru" ва "Peugeot" жамоалари шарафини ҳимоя қилди. 2001 йил 21 ноябрда эса у "Subaru" таркибиди ралли пойғаларида жаҳон чемпионлигини кўлга қиритган биринчи англиялик спортчи бўлган.

Яна бир чемпионлик камарига эга

Англиянинг Шеффилд шаҳрида профессионал бокс жанглари ташкил этилди. Кечанинг асосий "мушлашуви" IBF версияси биринчи ярим ўрта вазнда чемпионлик камари соҳиби англиялик Рикки Хаттон ва WBAнинг худди шу вазндаги чемпиони, колумбиялик Карлос Муассо ўртасида ўтказилди.

Жанг Рикки Хаттон устунлигида бошланди ва у дастлабки раундлардаёқ ўзининг аниқ зарбалари билан ҳисобда олдинга ўтиб олди. Жангнинг ўрталарига келиб Карлос анча чарчаб қолди. 9-раундда эса Риккининг чап томондан берган кучли зарбаси Карлос Муассо



сонинг рингга қулатди ва у қайтиб туришга ўзида куч топа олмади.

Россиялик Константин Цюни мағлубиятга учрашиб, чемпионликка эришган Рикки Хаттонни бекорга "Британия боксининг келажиги", деб аташавтганини у яна бир бор исботлади. Энди Хаттон IBF ва WBA биринчи ярим ўрта вазнда жаҳон чемпиони ҳисобланади.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Об-ҳаво

Гидрометеорология бош бошқармасининг хабар беришича 29 ноябр кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1 даража совуқ билан 1 даража илқ, кундузи 7-9 даража илқ бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди, айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-6 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди, айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илқ, Навоий вилояти шимолларида 0-5 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди, айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илқ, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Тошкент вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди, айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илқ, кундузи 8-13 даража илқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди, айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илқ, кундузи 5-10 даража илқ бўлади. (Уза)

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН ШИНАЛАРНИ сотади: Pirelli, Dunlop, Bridgestone, Continental

ёнгил машиналар учун, ёнгил юк ташувчи машиналар учун, оғир юк ташувчи машиналар учун, қишлоқ хўжалиги техникаси учун

аккумуляторларни WESTA Шиналар ва аккумуляторлар буюртма бўйича 30-35 кун ичида Украина ва Россиядан келтирилади.

Қишлоқ хўжалиги қорқоналари ва фермер хўжалиқлари диккатига! Корхона Янги ва таъмирланган ТТЗ-80.11, ТТЗ-80.10, МТЗ-80.Х, ВТ-150, Т-4А русумли тракторларини ҳамда янги КХУ-4Б русумли култиватори, 2ПТС-4-793А-03, -04 русумли прицепи, ЧКУ-4А русумли чизель-култиватори, ОВХ-600 русумли узел жамламаси, ПЯ-3-35 русумли плугларини ва агрегатларини сотади.

Агромаш Холдинг Қишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқарувчи Россиянинг "Агромашхолдинг" компаниясининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси фермер ва ширкат хўжалиқларига - Красноярск комбайн заводининг "Енисей" комбайнлари, - Волгоград трактор заводи занжирли тракторлари, - "Алтай мотор" заводи двигателлари, - Ва Россияда ишлаб чиқарилган бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини таклиф этади.

Азиз ҳамюртлар! Маблағингизни янада кўпайтиришни истайсизми? Унда "Пахта Банк"га мурожаат қилинг! "Пахта Банк" Сизлар учун янги, янада қулай ва манфаатли бўлган "Хазина" мuddатли омонатини жорий этди. Омонатга маблағлар шу йилнинг 21 ноябрдан 31 декабригача қабул қилинади. Сақлаш мuddати 6 (олти) ой бўлиб, йиллик 36 фоиз миқдориди ҳар ойда даромад тўланади! Бошланғич бадал миқдори 100 минг сўм! Омонатга қўйган маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш" Фонди томонидан кафолатланган! Банк хизматини танлаганда адашманг! Омонатингизни ишончли асраймиз ва кўпайтирамиз! "Пахта Банк" Фаровонлигингиз калитидир!

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суянат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУХАММАД. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплекс таркибидидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар. ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87. ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; Бухоро - 8-374-22-234-08; Жиззах - 8-372-22-606-34; Навоий - 8-436-22-80-525; Наманган - 8 - 369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65. Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи: Д.УЛУҒМУРОДОВ Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ Мусаҳҳих: М. БЕКИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Газета сешанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади. Буюртма Г-919, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қороз бичими А-2. Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади - 9380. Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 2 3 4 5 6